


Ёмғирдан кейин осмонда пайдо бўладиган камалак жаҳондаги жамики рангларни еттита илга чийратма қилиб тортиб турганга ўхшайди. Ўша етти ипни ёйиб юборсангиз олам анвойи рангларга тўлиб кетадигандек.

Одам боласи борки, шу ранглардан бирини ўзиники қилиб олади. Бутун тақдирини, таржимаи ҳолини, орзу-умидларини ва ниҳоят, оламни шу ранг орқали кўради. Табиати ҳам шу ранг таъсирига боғланиб қолади.



Саид АҲМАД,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги нашри

# Postda На посту

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil

4-iyun

payshanba

№ 18 (4456)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

Юрак, буйрак, жигар аъзолари билан боғлиқ кўпгина касалликлардан фориг бўлиш учун чет элларда, хусусан, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби давлатларга фарзандларини олиб бораётган юртдошларимиз ҳақида кўп эшитганмиз. Шу йўлда ҳар хил қийинчиликларга, муаммоларга учраётганлар, моддий томондан мушкул аҳволга тушиб қолганлар ҳам йўқ эмас. Негаки, хоризжда даволанишнинг ўзи бўлмайди.

Наҳотки, тиббиёт ватани, Ибн Сино юрти бўлган мамлакатимизда шуларни йўлга қўйиш шунчалик мушкул? Жигарпорасининг саломатлигини, унинг яна ўйнаб-қулишини истаган ота-оналарни бу савол кўп қийнагани рост.



ҲАФТА

ҚАҲРАМОНИ



## Осойишталикка камарбаста

Бухоро вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш гуруҳи инспектори, лейтенант Феруз Тошев 1986 йилда Когон туманида туғилган. 2008 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тугатган.

Феруз Тошев ички ишлар органларидаги фаолиятини ИИБ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси Нефть маҳсулотларини кузатиш батальонининг учинчи отряди (Бухоро бекати) сафдор-ходими лавозимида 2012 йилдан бошлаган. Эгаллаб турган лавозимида шу йилнинг 3 мартидан буён самарали хизмат қилиб келмокда.

Ферузининг хизмат фаолиятидан бир мисол. Кеч соат 20:20ларда Бухоро шаҳри Пои Остона кўчасида яшовчи, 23 ёшли руҳий хаста қиз Меҳриноз Холова «Лаби ҳовуз» мажмуасидаги ҳовузга ўзини ташлаб, жонига қасд қилмоқчи бўлади. Шу ерда хизмат олиб бораётган лавҳамиз қаҳрамони вақтида етиб келиб, қизни сувдан чиқариб олиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатади ва оиласига топширади. Қизнинг онаси Марҳабо Икромова унга миннатдорлик билдирди.

Лейтенант Ф. Тошев эришадиган кўплаб ютуқлар ҳали олдинда. Унга омад тилаб қоламиз.

Мирзокул АҲАДОВ,  
«Postda» муҳбири.  
Бухоро вилояти.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА



Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилиши асносида бундай қийинчиликларга барҳам бериладиган, болаларда учрайдиган кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўзимизда ўтказиладиган бўлди. Қиймати 130 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган маблағ эвазига тиббий марказ Корея Республикаси кўмагида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида қад кўтарди.

Юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган, Марказий Осийёда ягона бўлган мазкур тиббиёт муассасасида йилига 1,5 мингдан зиёд мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд. Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 та ўринга эга. Поликлиникада кунига 250 нафаргача бемор қабул қилинади.

(Давоми 2-бетда).

### ИЧКИ ТУРИЗМ

#### Сайёҳларни ўзига чорлаётган маҳалла

унда Марғилон хунармандчилигининг қадимий анъаналари сақлаб қолинган



6 ИЮНЯ –  
ДЕНЬ  
РОЖДЕНИЯ  
АЛЕКСАНДРА  
СЕРГЕЕВИЧА  
ПУШКИНА



«Я памятник  
себе воздвиг  
нерукотворный»

### ИНСОН ВА ТАБИАТ

#### Орол фожиаси – умумий муаммомиз



## БИЗНИНГ ГЕНЕРАЛЛАР

## Йўлдош Бобожонов: оддий ходимдан вазиргача

**Я**қин ўтмишга назар ташласак, ички ишлар органларининг шаклланишига, қийин вазият ва шароитда тизим самарали фаолият юритишига муносиб ҳисса қўшган раҳбар ходимлар талайгина. Мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида муносиб ўринга эга бўлган, ўзининг самарали хизмати билан ном қолдирган соҳамизнинг фидойи инсонларидан бири Йўлдош Бобожоновдир.

Йўлдош Бобожонов 1906 йил 15 ноябрда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида, оддий деҳқон оиласида туғилди. Оиласи камбағал бўлгани учун яшаш оғир, оила доим моддий етишмовчиликдан қийналарди. Шунинг учун ёш бўлишига қарамай, 11 ёшли Йўлдош ҳам бой хонадонда хизмат қиларди. 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги «Ички милицияси тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Бу даврга келиб Тур-

кистонда ҳам давлат ва халқ хавфсизлигини таъминлаш мақсадида милиция фаолияти йўлга қўйила бошлади. Ҳали ҳам хизматкор бўлиб юрган Йўлдош милицияда хизмат қилишни орзу қиларди. Унинг бу орзуси 1925 йили рўёбга чиқди. Йўлдош Гурлан милициясининг отлич отрядига милиционер сифатида хизматга қабул қилинди.

Ўша мураккаб даврда давлат бошқаруви тизимида кадрлар етишмас ва фаол ёшлар жуда кам эди. Хизматдошлари орасида фаоллиги ва жисмонан бақувватлиги билан ажралиб турадиган Йўлдошга бу жуда қўл келди. Уни Гурлан туман ёшлар ташкилоти котиби лавозимига тайинлашди. Шу даврдан бошлаб партия идораларида масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади. Хусусан, 1928–1934 йилларда Урганч, Гурлан, Қорадарё, Окқўрғон, Охангарон туманларида раҳбарлик вазифаларида фаолият кўрсатган бўлса, кейинчалик Ўзбекистон ССР



Марказқўми ҳузуридаги партия-совет мактабининг директори этиб тайинланди.

Йўлдош Бобожонов 1939 йилда янги лавозимга – Ички ишлар халқ комиссарияти Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланади. Қисқа вақт ичида у криминоген вазиятни таҳлил қилиш каби мураккаб ишларни амалга оширишда бошқаларга ўрناк бўлди. Шу боис 1942 йилда хизмат кўрсатган ходим кўкрак нишони билан тақдирланди.

1940 йилда у собиқ Иттифоқ ИИХК Олий мактабини

битирди. 1941 йил январидан давлат хавфсизлиги капитани, бир йилдан сўнг майор унвонига сазовор бўлди. 1943 йилнинг февраль ойида эса унга давлат хавфсизлиги комиссари унвони берилди.

1944 йилнинг июль ойида Й.Бобожонов Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари этиб тайинланди. Орадан бир йил ўтгач, халқ комиссари сифатида иш бошлади. Шунингдек, ўша йили унга «генерал-майор» унвони берилди. 1954 йилдан 1957 йилгача у Республика Ички ишлар вазири бўлиб ишлади.

Йўлдош Бобожонов ўзини тажрибали ва ғайратли раҳбар сифатида кўрсатди. Топшириқларни бажаришда талабчан эди. У вазир бўлиб ишлаган йилларда, хусусан, 1946 йилда республикада жиноятчилик 23 фоизга камайди, уларни фош қилиш кўрсаткичи яшилди. 1947 йилга келиб эса, жиноятчилик даражаси изчил пасайиб, жамоат тартибини сақлаш ва халқ осойишта-

лигини таъминлаш тизими яратилди.

Йўлдош Бобожонов вазир бўлиб ишлаган йилларда республика ҳукумати милиция ишини яхшилаш борасида қатор қарорлар қабул қилди. Ушбу қарорларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилишида, шубҳасиз, унинг хизматлари катта бўлди.

Ўзининг кўп йиллик хизмат фаолияти давомида у кўплаб шогирдлар тайёрлаган, фидокорона хизматлари учун бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган.

Йўлдош Бобожонов сермазмун умр кечириб, 66 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Ўз касбини севган, юрт тинчлиги учун бутун умрини бахшида қилган генерал-майор Йўлдош Бобожоновнинг 90 йиллик юбилеи арафасида Гурлан тумани ИИБ биносида музей ташкил этилди. Ушбу музейда Йўлдош Бобожонов ҳаёти ва хизмат фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар жамланган. Туман ҳокимининг қарори билан генерал яшаб ўтган кўчага унинг номи берилган.

**Абдуғофур САТТОРОВ,**  
истеъфодаги полковник.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯҒОНА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Марказ магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил олдин аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда фаолият юритиш учун юздан ортиқ шифокор ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди.

Жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бир вақтнинг ўзига операцияларни Кореядаги етук мутахассислар, юртимиздаги бошқа шифохоналар ва олий таълим муассасалари онлайн тарзда кўриб туриши мумкин. Бу хорижликлардан тажриба оширишни таъминласа, маҳаллий шифокорлар, талабалар учун мастер-класс

вазифасини бажаради. Замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриклар ҳамда консилиумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади.



Яқинда тиббий марказга маҳаллий ОАВ вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди. Бу ердаги шароит,

хориждан олиб келиб ўрнатилган замонавий аппаратлар, муҳит барчада катта таассурот қолдирди, дейиш мумкин. Марказ мутахассисининг таъкидлашича, коронавирус пандемияси туфайли катта маблағ эвазига олиб келинган бир қанча ускуналарни ўрнатиш, интеграциялаш охирига етмай қолган. Агар ускуналарнинг ҳаммаси ўрнатилиб, марказ ишга тушса, юртдошларимизнинг катта маблағ эвазига хорижий давлатларда фарзандларини даволатишга ҳожат қолмайди. Яна бир эътиборли жиҳат, марказ мисолида тиббий туризмнинг ривожланиши натижасида кўшни давлатлар фуқаролари ҳам бу ерга келиб даволашни имконияти пайдо бўлади.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**  
«Postda» мухбири.



ХИЗМАТЛАРДА

# МЕХНАТГА ЯРАША РАЎБАТ БЎЛСА...

**Кейинги йилларда фуқароларнинг мулкка бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Бу Миллий гвардия тизимидаги қўриқлаш хизмати ходимлари зиммасидаги масъулият ҳиссини янада ошириши билан бирга, амалда илгўр тажрибалардан самарали фойдаланишни ҳам тақозо этмоқда. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, Миллий гвардиянинг Қашқадарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси ходимлари даврга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритиб келаётир.**

Қўриқлаш бошқармаси ходимлари томонидан ишончли, самарали, тезкор ва қулай усул бўлган техник қўриқлаш пунктлари хизматидан унумли фойдаланилаётгани самарадорликка эришишда қўл келмоқда. Натижада фуқароларнинг мол-мулки самарали муҳофаза қилиниб, аҳолининг, тадбиркорлик субъектларининг бу хизматга бўлган ишончи ортмоқда.

Айни пайтда вилоятдаги 1312 та иншоот ва халқ хўжалиги маскани ҳамда 312 та хонадон қўриқлови намунали тарзда амалга ошириб келинмоқда. Шундан 904 та ташкилот ва корхона, 315 хонадон техник қўриқлаш пункти орқали қўриқланади. Бу иншоотлар хавф-хатардан оғохлантирувчи турли воситалар билан тўлиқ жиҳозланган.

Мулкдорларнинг мол-мулки дахлсизлиги, ишончли қўриқланиши таъминлангани боис миҳозлар сони ҳам ортиб бормоқда. Жорий йилда 139 та корхона, ташкилот ва иншоот ҳамда


98 та хонадон кўшимча қўриқловга олингани бунинг тасдиғидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида қўриқлаш хизмати ходимларининг зийраклиги, ўз вазифасини সিққидилдан бажарганлиги туфайли қўриқловга олинган иншоот ва объектларда содир этилган жиноятлар «иссиқ изида» фoш қилинди.

Жорий йил 9 апрель кунига ўтар кечаси Чирокчи туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 19 ёшли Ш.М. Мустақиллик кўчасида жойлашган офис анжомлари сотиладиган савдо дўконига ўғриликка тушади. Эшик ойнасини тош билан синдириб, дўкондан 2 миллион 100 минг сўм пул, бир дона қулоқчин ва қимматбаҳо уяли телефон аппаратини олиб кетишга чоғланади. Лекин у дўкон техник қўриқлаш пунктига уланганлигини, ташвишгоҳ ишга тушиб, қўриқлаш хизмати ходимлари

ҳали-замон етиб келишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Шундай бўлди ҳам. Қўриқлаш бошқармаси 7-алоҳида отряди ходимлари Ш.М.ни воқеа жойида ушлашга муваффақ бўлишди.

Ўтган даврга қўриқловдаги ташкилот, корхона ва иншоотларда 19 та майда ташмачилик ҳолати аниқланди. Давлат ва жамоа мулкига кўз олайтирган шахслардан хомашё маҳсулотлари тегишли тартибда



ҳужжатлаштириб олиниб, омборларга қайтарилди. Ташмачи шахслардан суд қарори билан 558 минг сўм жарима ундирилди.

**Исомиддин САМАНДАРОВ, Миллий гвардия Қашқадарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, капитан. Содик РАҲИМОВ, «Postda» муҳбири.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



полковник  
Умаронов

**Азизхон Шарипхонвич**

ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар А.Умаронов Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимига фoлият юритган.



полковник  
Аликариев

**Муродилла Сайдуллаевич**

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимига.

Тайинловга қадар М.Аликариев Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига фoлият юритган.

**Хоразм вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси** ходимлари Урганч халқаро аэропорти, темирйўл вокзаллари, бекатлар ҳамда йўловчи ва юк поездларининг хавфсизлигини таъминлаш, товар-моддий бойликларнинг талон-торож қилинишига йўл қўймасликдек муҳим вазифаларни бажаришда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда. Бунда асосий эътибор ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноят ва унга имкон бераётган омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган.

## ТРАНСПОРТДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ҳушёрлиги, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашаётгани туфайли жиноятлар «иссиқ изида» фoш этилиб, қонунбузарлар қилмишига яраша жавобгарликка тортилмоқда. Қидирувдаги шахслар қўлга олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этиб, тергов органларидан яшириниб юрган Д. Ҳабибулло жазодан қутулиб қоламан, деб ўйлаганди. Бироқ унинг бу орзуи чиппака чиқди. Ҳазорасп темирйўл вокзалида хизмат вазифасини ўтаётган ходимлар Фаргона вилоятининг Кўштепа тумани ИИБ томонидан қидирув эълон қилинган Ҳабибуллони қўлга олишди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармасига қарашли ҳудудларда турли ҳуқуқбузарликлар содир қилган 471 на-

фар фуқарога нисбатан белгиланган тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Карантин қоидаларига риоя қилмаган 3 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чора кўрилди. Белгиланмаган ҳудудларда мақсадсиз юрган 39 нафар вояга етмаган аниқланиб, улар тилхат орқали ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилди. Шунингдек, 3 нафар вояга етмаган ёшлар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун тўпланган ҳужжатлар шаҳар ва туман ҳокимликлари қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига юборилди.

– Хизмат ҳудудимизда 196 километр темирйўл тармоғи, 33 та корхона ва ташкилот ҳамда Урганч халқаро аэропорти мавжуд, – дейди вилоят ИИБ ТХТБ ХПБ бошлиғи, капитан Рўзимбой Отахонов. – Шунингдек, темирйўл атрофида 80 та маҳалла, 48 та ўқув муассасаси

жойлашган. Бўлимамиз ходимлари асосий эътиборни ушбу ҳудудларда тезкор профилактик тадбирларни самарали ташкил этишга қаратишган. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни», «Темирйўлларда хавфсиз кун» ҳамда темирйўл атрофида жойлашган маҳаллаларда «Хонадон» тадбирлари мунтазам ўтказиб келиняпти.

Темирйўллар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан биларидир. Шу боис темирйўлнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларидаги пйёдалар ўтиш жойларига 40 та оғохлантирувчи белги ҳамда темирйўлнинг қўриқланмайдиган 10 та кесимчасига оғохлантирувчи чироқлар ўрнатилди. Бу борадаги ишлар эътибор билан давом этмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ, «Postda» муҳбири. Хоразм вилояти.**

## ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

### КАТТА ХАЗИНА

ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли 23-сонли маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонада катта сержантлар Абдухалил Жалилов ҳамда Гулноза Қаюмова фельдшер бўлиб ишлашади. Битта тизимда бир-бирига қўшқанот бўлиб хизмат қилиб келаётган бу оилага ҳамма ҳавас билан қарайди.

– Ишимиз пойтахтда бўлса-да, дам олиш кунлари қайнона-қайнотамни кўргани Бекободга борамиз, – дейди Гулноза. – Келин бўлиб тушган хонадоним энг намунали оилалардан бири, қайнона-қайнотам тилла инсонлар. Мени ўз қизларидек севиб, ардоқлашади. Улар сира бўш ўтиришмайди, 5–6 сотихлик ерга меҳр беришни яхши кўришади. Бизга ҳам: «Ер билан тиллашсангиз, рўзгорингизга барака қиради», деб насиҳат қилишади.

– Ота-онам мўъжазига бoғ барпо қилишган, – дейди Абдухалил. – Боғда ҳар хил мевали дарахтлар – шафтоли, бодом, олча, гилос, ўрик, олма, ёнғoқ бор. Боғ четларида қатор-қатор тераклар кўкка бўй чўзиб турибди. Дарахтлар орасига рўзгорбор помидор, бодир, булғор қалампир, кулупнай экилган. Бозорга боришинг асло ҳожати йўқ. Рўзгоримизда ишлатилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарияти ўзимизнинг томорқамиздан чиқади.

Бўш вақтимиз доимо томорқада ўтади. Меҳнат қилган одам барака топади, деганлари ростлигига фаолиятимиз давомида амин бўляпмиз. Бугунги кунда унумдор тупроқли томорқаси бўлатуриб,



ҳанузгача бирор турдаги экин экилмаган, бегона ўтлар босиб ётган, томорқасини қаровсиз қолдирган айрим фуқароларга дангасалик – камбағалликка олиб бoрувчи иллат, дегим келади. Ахир, кафтдек томорқа ҳам катта хазина-ку! Халқимизда «Ерни боқсанг, ер сени боқади», деган ҳикमत бор. Бу бежизга айтилмаган, албатта. Мўл ҳосил йиққан пайтимиз кўни-кўшнларга, қариндошларга тарқатамиз, онам билан турмуш ўртоғим қишга турли салатлар, мураббoлар, компотлар тайёрлашади. Қолганини бозорга олиб бoриб сотамиз. Бу ҳам рўзгорининг бир чеккасини кўтаради. Ерга меҳр берсанг, у ҳам сендан ўз муруватини аямайди, деганлари шу-да!

**Адолат ФАЙЗИЕВА, «Postda» муҳбири.**

## ИЧКИ ТУРИЗМ

# САЙЁҲЛАРНИ ЎЗИГА ЧОРЛАЁТГАН МАҲАЛЛА

## унда Марғилон хунармандчилигининг қадимий анъаналари сақлаб қолинган

**Пандемия сабаб бутун дунё ўзгаришларга юз тутмоқда. Буни ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги эврилишларда ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистон ҳам шу сафда.**

Бундай мураккаб вазиятда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар туфайли қатор соҳалар фаолиятини барқарорлаштиришга эришилмоқда. Масалан, карантин чекловлари бугунги кунда ишлаб

чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби соҳаларида юмшатиш баробарида туризм соҳаси барқарорлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 1 июндан фақат белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига

қатъий риоя этган ҳолда «яшил» ва «сарик» тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш учун ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлашлари мумкин бўлди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғри-

сида»ги Президент фармони билан Фуқаролар йиғинлари ҳудудларида оилавий меҳмон уйлари яратилган ва сайёҳлар учун камида беш хил хизмат кўрсатилган тақдирда уларга «Туризм маҳалласи» мақоми берилиши белгиланган эди. Шунга кўра, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри марказида жойлашган Ёрқин маҳалласида сайёҳлар учун хизмат кўрсатадиган туристик дастур яратиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Марғилон хунармандчилиги ҳақида сўз кетганда, жилваси етти оламга машҳур, нафис ва беназир ипак матолар, дўппидўзлик, зардўзлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, қандакорлик сингари кўплаб кўҳна ва боқий ҳунарлар кўз олдимизда гавдаланади. Халқ амалий санъатининг бу ноёб турлари асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда.

Кўҳна Марғилон шаҳри марказида жойлашган «Ёрқин» маҳалла фуқаролар йиғини хунармандчилик анъаналари тобора гуллаб-яшнаётган манзиллардан бири саналади. Эътиборлиси, бу маҳаллага маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқими тобора ортиб бормоқда.

Капитан Дилмуроджон Ғофуров мазкур маҳаллага хизмат кўрсатувчи 7/3-20-сонли ички ишлар органлари таянч пункти профилактика катта инспектори вазифасида ишлайди.

– Маҳалла аҳлининг деярли барчаси хунармандчиликнинг қайсидир бир тури билан шуғулланади, – дейди профилактика инспектори биз билан суҳбатда. – Масалан, 50га яқин хонадон гиламдўзлик, тўқувчилик, дўппидўзлик, косиблик, нонвойлик билан шуғулланиб, маҳсулотларини маҳаллий бозорга етказиб беришади. Фуқаролар ҳалол меҳнат билан банд бўлгани туфайли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони камайиши табиий ҳол.

Шу сабабли маҳалламизнинг ва осойишта ҳудудлардан бири, дейиш мумкин.

«Ёрқин» маҳалла фуқаролар йиғинига ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаб нафақага чиққан Шерзоджон Жабборов раис этиб тайинланган, про-

филактика инспекторининг иши бирмунча енгиллашиб, ҳудудда осойишталик, фуқароларнинг ўзаро аҳиллиги янада мустаҳкамланди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар

нинг барчаси қўл меҳнатида бажарилади. Хунармандлар ипак матосига кўз нури ва қалб кўрини баҳшида қилиб, чинакам мўъжиза яратадилар. Улар тўқиган адрас, атлас, бахмал, шойи матолар, нақшинкор гиламлар шу ерда ташкил этилган дўконда савдога қўйилган. Бу ерга бир кунда ўртача 150–200 нафар хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюради. Айни пайтда коронавирус пандемияси сабабли, сайёҳлар оқими келиши тўхтаган бўлса-да, хунармандлар санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ишни давом эттиришмоқда.

Дарвоқе, маҳаллада сайёҳлар ва санъатсеварлар эътиборини тортаётган «Ёдгорлик» сони сезиларли даражада камайди. Ҳудудни ободонлаштириш, фуқароларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш каби масалаларда ҳам ижобий кўрсаткичлар қайд этилмоқда.

Дарвоқе, маҳаллада сайёҳлар ва санъатсеварлар эътиборини тортаётган «Ёдгорлик»

хусусий корхонаси жойлашган.

Корхонада айни пайтда 450 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчасини ҳеч иккиланмай қўлигул усталар дейиш мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, корхонада ҳар бир жараён қадимий усуллар ва дастгоҳлар ёрдамида, табиий шaroитда бажарилади. Ипак йиғиришдан тортиб унга ранг бериш, қуритиш, тўқиш, нақш чизиш жараёнлари-

анъаналари билан ўзаро уйғунлаштириб, жуда гўзал ва нодир маҳсулотларни дунёга келтиряпти. Айни дамда қўл остида марғилонлик 20 нафардан зиёд ёш хунармандлар шоғирд сифатида сабоқ олмақда.

– Ўзбекистон тинч юрт, одамлари меҳмондўст ва меҳрибон. Менга бу ерда ишлаш жуда ёқади, – дейди Меҳди мамнуният билан.

Корхонага ташриф буюрган сайёҳлар дастгоҳларнинг ўта моҳирлик билан ишлатилиши жараёнини бевосита кузатишлари мумкин. Айни кунларда мажмуада янги меҳмонхона қуриш ишлари давом этмоқда. Йил якунига қадар меҳмонхона битказилса, маҳаллага келувчи сайёҳлар шу ернинг ўзида тунаб қолиш ва миллий

мастер-класс ўтказиш имконияти ҳам яратилган.

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари рўйхати шакллантирилиб, уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми бериш бўйича иш олиб бориш белгиланган. Жорий йил-

**Эронлик машҳур гиламдўз уста Меҳди бир неча йилдан буён Марғилонда яшаб, мазкур корхонада фаолият кўрсатмоқда.**



хунармандчилик анъаналарини бор бўй-басти билан кузатиш имкониятига эга бўладилар.

Маҳалла ҳудудида жойлашган «Margilan silk» хунармандчилик ва савдо мажмуаси ҳам сайёҳлар эътиборини тортаётган масканлардан бири. Бу ерда кулолчилик, тикувчилик, заргарлик, дўппидўзлик устахоналари фаолият кўрсатади. Тайёр маҳсулотлар

дан бошлаб эса ана шундай мақомлар берилган фуқаролар йиғинлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларига киритилиши режалаштирилган.

Айни пайтда фармон ижросини таъминлаш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг Фарғона вилоятидаги бошқармаси масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ вилоятда ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг 26 май кун ишчи гуруҳ вакиллари «Ёрқин» маҳал-

ла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув ўтказишда ва маҳалла ҳудудида ўнлаб қадимий хунар турлари мавжудлигига иқдор бўлдилар. Бу саъй-ҳаракатларни маҳалланинг келгусида «Туризм маҳалласи» мақоми олишига қўйилган дастлабки қадам сифатида эътироф этиш мумкин.

**Абдусоит СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Фарғона вилояти.

# Миллат руҳи акс этади

Хамма замонларда тилга миллатнинг бебаҳо кўзгуси сифатида қаралган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўрта асрларда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Ясавий сингари алломалар ўз асарларини туркий тилда битиб, тилимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшишди. Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий эса бугунги ўзбек адабий тилининг пойдеворини мустаҳкамлади. Буюк мутафаккир бобомиз илк бор ўзбек тилида «Ҳамса» асарини яратиб, буюк девонлар тузиб, ўзбек тилининг нақадар бой ва жозибали эканлигини оламга намойиш этди. У нафақат ўзбек тилининг бойлиги ва нафосати, балки ўзбек элининг миллий кийёфаси, анъана ва қадриятларини ҳам тараннум этди.

Ўзбек тилидан теурийлардан ташқари, турли даврларда Олтин Ўрда, шайбонийлар, аштархонийлар, ўзбек хонликлари даврида ҳам асосий тил сифатида фойдаланилган.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва

мавқеини ошириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Мамлакатимизнинг хорихдаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари ташкил этилмоқда.

Бугунги кун нуқтаи назаридан «Давлат тили ҳақида»ги қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, тақомиллаштириш, ундаги талабларни қатъийлаштириш зарурати юзга келди. Қонунни ўқиб чиқар эканмиз, ўзбек тилининг мавқеини бошқа тиллардан ошириб юбормасликка ҳаракат қилингандек туюлади. Қонун талабларини бузиш, давлат тилига ҳурматсизлик, унинг ҳуқуқий оқибатлари қонунда аниқ кўрсатиб берилмаган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг 20 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан давлат

бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилинди.

Мазур қарор ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимиз ички ишлар органларида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар органларининг юқори тизимидан то куйи тизимларигача кутубхоналар фаолияти кенг йўлга қўйилганлиги ижобий самара бераётир. Ходимларнинг зиё масканларига ташриф буюриши уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига хизмат қилишдан ташқари, сўз бойлигини оширишларида муҳим ўрин тутмоқда. Кўп китоб ўқиган кишида, табиийки, сўз бойлиги ҳам ошиб бораверади.

Ўтказилаётган Маънавият ва маърифат дарсларига ўзбек тилининг бойлиги ва жозибасини кўрсатиб беришга қодир тажрибали мутахассислар жалб қилиняпти. Тизимдаги ички ёзишма ҳужжатларда ҳам мулоқотнинг давлат тилида юритилишига эътибор қаратиляпти.

Соҳага оид адабиётларнинг камлиги, атамаларнинг таржима қилинмагани ҳуқуқий-ҳужжатларнинг тайёрланишида қийинчилик туғдириши ва бошқа шу каби муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш вазирлик раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб

келаётгани қувонарлидир.

Этироф этиш лозимки, бугунга қадар қадар она тилимизни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш учун давлат миқёсида бу қадар катта эътибор қаратилмаган эди. Ҳар йили 21 октябрь санаси арафасида оммавий ахборот воситалари орқали ўзбек тилини улуглаб қатор маколалар, телекўрсатув ва радиоэшитиришлар уюштирилиб, байрам тадбирлари ўтказилса-да, вазият ўзгармасдан қолаверар эди. Афсусланарли жиҳати, йирик халқаро анжуманлардан ташқари, маҳаллий даражадаги мажлислар ҳам кўпинча бошқа тилларда ўтказиларди.

Жамоат жойлари, кўчалар, бозор ва савдо дўконлари, биноларнинг пештоқидаги рекламаларда бошқа тиллардаги, аксарияти имло хатоларига тўла ёзувларни кузатишимиз мумкин. Уларни ўзбек тилида тўғри ёзиш, фақат хорихлик меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида айрим жойларда инглиз тилида ҳам маълумотлар бериш лозим.

Ходимларни ишга олишда уларнинг ўзбек тилида гапириш ва ёзиш кўникмаларини синовдан ўтказиш, ўзбек тилида фаолият юритадиган веб-сайтлар, электрон кутубхоналар сонини кўпайтириш ва уларнинг сифатини оширишда муҳим ўрин тутади, албатта. Оммавий ахборот воситаларида шевага хос сўзлардан фойдаланишни



қатъий назоратга олиш ҳам ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, жамоат жойлари ва йўловчи ташиш транспортларидаги ёзувлар, реклама ва эълонлардаги имловий хатоларга барҳам бериш, жумладан, давлат тилига оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳиссини ошириш лозим.

Таълим муассасаларида ўзбек тили дарсида ўқувчи нутқини ривожлантириш, унинг сўз бойлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш, ўқув қўлланмаларини кўпайтириш, бошланғич синф ўқувчилари учун бола тасаввурини зўриқтирмайдиган изоҳли лугатлар тузиш ҳам кечктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар сирасига кирди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**  
майор,  
**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**  
«Postda» мухбири.



## САЙҚАЛЛАНИБ БОРАВЕРАДИГАН НЕЪМАТ

Тилга киёс берар экан, бобокалонимиз Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида шундай деган:

**Айтиб совумас  
таронасен сен,  
Олиб курумас  
хизонасен сен.**

Яъни, тил ишлатган ва сарфлаган сайн янада бойиб, сайқалланиб борадиган неъмат. Тил



портида ёшларнинг русча, инглизча сўзларни кўшиб-қориб ўзаро гаплашганида она тилимизга бўлган эътиборсизликни кўриб ачини кетамиз. Қўллаб савдо ходимлари, ҳайдовчи ва чипта сотувчилар ҳам аксарият ҳолларда шевада гапиради. Бугунги кунда шундай мулоқот шакли бироз эриш туюлади.

Чунки жамоат транспортларида фақат шаҳарлик ёки кишлоқликлар эмас, олис ва яқиндан келган меҳмонлар, ўзбек тилини адабий тил доирасида ўрганган хорихликлар ҳам йўловчи сифатида чиқиши мумкин. Бундан ташқари, кўчаларда, пештахталарда, бекатларда имло хатолари билан ёзилган эълон ва рекламаларнинг йиллаб тўғриланмаслигидан ҳам оғринамиз. Бу ҳақда ўз вақтида огоҳлантириш, танбех беришга эса истиҳола қиламиз. Бизнинг бу эътиборсизлигимиз оқибатида тилимиз азият чекади, қадрсизланади. Тилимизга эътиборли бўлайлик!

**Ўткир НУРАЛИЕВ,**  
ИИВ Академияси тилларни  
ўрганиш кафедраси ўқитувчиси,  
майор.

## ТИЛГА ҲУРМАТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

**Тарбиянинг асосида оила муҳим ўрин тутганидек, она тилимизга бўлган ҳурмат ҳам ана шу муқаддас гўшада шаклланади. Ўз тилида бийрон гапиришни ўрганган гўдакнинг фикрлаши, хаёл суриши ҳам бевосита шу тил билан боғлиқдир.**

Мутахассисларнинг фикрича, фавқуллода кучли ҳаяжон, оғрик, қувонч ёки ҳаддан ташқари қайғули ҳолатларда киши она тилида нидо қиларкан. Бундан ташқари, ғайрихитийрли ҳолатларда киши она тилида сўзларкан. Бу она тилининг нечоғлик куч-қудратга эгаллиги билан изоҳланади.

Давлат тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда ўқувчиларнинг роли қандай бўлиши керак? Масалан, кўпинча тенгдошларим билан кўчада юрган пайтларимизда йўл четларидидаги ёзув ва эълонлар, рекламалардаги хатоларни санаймиз. Бу ерда гап бизнинг



хато топаётганимизда эмас, ёши катта ака ва опаларимизнинг давлат тилига беписандларча муносабатда бўлаётганидандир.

Дарсда бирор сўзини нотўғри қўлласангиз ўқитувчимиз ва

тенгдошларимиз олдида хижолат бўлаемиз. Ваҳоланки, бундай хатоликларни кунига минглаб юртдошларимиз кўради.

Энг хавотирлиси, бунга тобора кўникиб бораётганимиздир. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан давлат тилининг нуфузи ва мавқеини ошириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар барча қатори, мени ҳам қувонтиради. Зеро, бу улуг йўлда жипслашиш шу мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Меҳрангиз НАЖМИДИНОВА,**  
ИИВ 1-сонли Тошкент  
академик лицейи ўқувчиси.

УЧЕНИЯ

# ПОКАЗАЛИ СВОЕ МАСТЕРСТВО



В объединенном полевом учебном центре Главного управления караульных войск МВД состоялись тактико-специальные занятия, в которых приняли участие сотрудники мобильных отрядов оперативного назначения МВД Республики Узбекистан, ГУВД г. Ташкента, ГУВД Ташкентской области, войсковой части № 65921 Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Согласно учебному плану была проведена операция по задержанию преступников, занимающихся незаконным оборотом наркотических средств. Оперативникам службы уголовного розыска стало известно о месте встречи двух преступных групп, давно находившихся под наблюдением, в транспортном средстве, на котором должно было состояться их передвижение, количестве человек с двух сторон. В соответствии с этим бойцы спецподразделения МООН ГУВД Ташкентской области на бронированной машине преградили путь преступникам. Остальные группы захвата задержали вооруженных бандитов.

В ходе второй операции требовалось задержать и обезвредить условных злоумышленников, которые окольными путями из соседней республики завезли в страну большую партию наркотиков. Было известно примерное расположение и степень вооруженности преступной группы. Началась операция. На расстоянии 200 метров от здания, в кото-

ром засели наркоторговцы, расположились снайперы. Первая и вторая группы захвата двинулись по правой и левой сторонам здания, открыли при помощи спецсредств входную дверь. Снайперы устранили охрану, преступники были задержаны. Операция прошла без ошибок и потерь.

Затем занятия продолжились согласно установленному плану. Участники продемонстрировали профессиональную и боевую подготовку. В завершение бойцы специальных подразделений МВД представили показательные выступления.

Спецподразделения особого назначения на практике продемонстрировали навыки своевременного и точного выполнения любых поставленных перед ними задач, в очередной раз подтвердив свое мастерство.

Абу КЕНЖАЕВ,

фотокорреспондент газеты «Postda».

На снимках: на тактико-специальных занятиях.



## ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЕ МЕРОПРИЯТИЕ

### Праздник для души

В войсковой части № 7533 Караульных войск МВД с соблюдением всех требований карантина состоялось духовно-просветительское мероприятие, посвященное 1 июня – Международному дню защиты детей. В нем приняли участие дети военнослужащих, офицеров и контрактников.

Творческая часть мероприятия произвела большое впечатление на присутствовавших. Песню «Солдат», которую исполнил сын младшего сержанта С. Эргашева, Самиржон Бобоназаров, зрители встретили громкими аплодисментами. Всем понравились сценки в исполнении военнослужащих-контрактников.

А выступление рядового Шарифа Нурмухамедова тронуло сердце каждого человека.

В завершение мероприятия дети военнослужащих получили подарки. Им надолго запомнится этот яркий праздничный день.

Соб. корр.

# НАСТОЯЩАЯ МУЖСКАЯ ПРОФЕССИЯ

Инспектора профилактики смело можно назвать самым востребованным сотрудником органов внутренних дел. Десятки людей ежедневно обращаются к нему с проблемами, не терпящими отлагательств.



– Работа в органах внутренних дел научила меня разбираться в людях, психологии, чувствовать, пытается ли человек обмануть, – говорит

Азиз Бобохолов. – Приобретенные за годы службы навыки помогают разрешать многие вопросы: примирять семью, находящиеся на грани

развода, сглаживать конфликты между соседями, дивившиеся годами. В городе инспектор профилактики сталкивается с такими же проблемами, как и на любом другом участке: кражи, скандалы, контроль над ранее судимыми, условно осужденными и любителями спиртного.

На вопрос о сослуживцах, майор Бобохолов отметил, что коллектив подразделения дружный, работоспособный. Молодежь старается перенять знания у опытных сотрудников, ни в чем от них не отставать. Сплоченность, взаимовыручка, профессионализм – для них не просто слова. Все добросовестно стараются исполнять свои обязанности.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент «На посту».  
Фото автора.

Самаркандская область.

Майор Азиз Бобохолов – старший инспектор профилактики ОП № 27 ОВД № 4 УЖД ОВД г. Самарканда имеет десятилетний стаж работы. Его территория ответственности – махалли Богистон и Беруни. До этого он более восьми лет проработал инспектором профилактики в селении Сазаган Нурабадского района.

В его подчинении находятся два молодых инспектора профилактики, с которыми майор щедро делится секретами профессии.

## БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

### СОБЛЮДАТЬ ОПТИМАЛЬНУЮ СКОРОСТЬ

В «желтых» и «зеленых» зонах установленных с учетом санитарно-эпидемиологической ситуации, трафик движения автомобилей на дорогах растет.


В целях обеспечения безопасности движения, контроля за соблюдением водителями установленного скоростного режима на дорогах Ташкентской области эффективно используются автомобили марки «Нексия-3», оборудованные современными радарными комплексами.

– На внешней передней части автомобилей установлены фоторадары, работающие как при движении, так и в стационарном режиме, – говорит представитель УБДД ГУВД Ташкентской области лейтенант Рустам Аскарков. – «Нексии» имеют специ-

альные средства освещения, позволяющие комплексу работать в темное время суток и при плохой видимости. В салоне имеется «умная» фотокамера, в автоматическом режиме фиксирующая правонарушения.

Необходимо отметить, что диапазон измерения скорости радарного комплекса – от 10 до 250 км/ч. При этом си-

стема может обозревать одновременно несколько полос движения, осуществлять измерение скорости всех транспортных средств, попавших в зону действия радара, автоматически выделять объекты, движущиеся с превышением установленных пороговых значений, и распознавать их



государственные номера. Комплекс контроля дорожного движения автоматически передает упорядоченные данные в компьютер для дальнейшей обработки. Специалисты высоко оценивают возможности и результативность данной системы.

Уважаемые водители! Выезжая на дорогу, держите скорость оптимальной и будьте внимательны. Помните, безопасность участников дорожного движения – в ваших руках!

**Радик ТУМΠΑРОВ,**  
корреспондент  
«На посту».



### Нарушения фиксируются при помощи планшетов

В Ташкентской области, как и в городе Ташкенте, с помощью планшетов фиксируются нарушения ПДД, связанные с несоблюдением водителями правил остановки и стоянки автомобилей.

В Ташкентской области нарушения правил остановки и стоянки автомобилей фиксируются при помощи специальных планшетов. В автоматизированном порядке по данным правонарушений без участия водителей оформляются электронные протоколы. Решение о наложении штрафа высылается по почте на адрес владельца транспортного средства.

В настоящее время инспекторам ДПС выдано 25 планшетов.

В рамках функционирования новой системы ежедневно по области фиксируется около ста такого рода правонарушений. По каждому из них в установленном порядке составляется электронный протокол.

Напомним, что в соответствии со ст. 309<sup>1</sup> КоАО Республики Узбекистан, постановление о наложении штрафа по нарушениям правил дорожного движения, зафиксированным специальными автоматизированными техническими средствами фото- и видеозаписи, выносится без участия лица, совершившего административное правонарушение.

**Охунжон МУСТАФОЕВ,**  
специалист пресс-службы ГУВД Ташкентской области,  
рядовой.

## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### АМАЛИЙ КҮНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Сурхондарё вилоятида Миллий гвардия ходимлари иштирокида автотранспорт воситаларини бошқаришда йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиши, шунингдек, автомобилнинг техник ҳолатини назорат қилиш борасида амалий ўқув семинари ташкил этилди.



Ўқув машғулотида ходимларга шахсий ва хизмат автомобилларини бошқариш жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Семинар давомида ҳайдовчиларнинг амалий кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, уларнинг йўл белгилари ва йўл ҳаракати қоидаларини бўйича билимлари синвондан ўтказилди.



Миллий гвардиянинг Андижон вилояти бўйича бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари ҳамкорлигида хизмат итлари билан ўқув машғулоти ўтказилди.

### МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

Машғулотларда хизмат итлари курулли қаршилиқ кўрсатаётган жиноятчини қўлга олиш, транспорт воситасини текшириш ва портловчи моддаларни зарарсизлантириш жараёнида иштирок этди. Бундан ташқари, тўрт оёқли кўмакчилар тўсиқ ва деворлардан сакраб ўтиш, турли узунликдаги кўприқларда ҳаракатланиш ва узоқ масофага югуриш каби машқларни қийинчиликларсиз амалга оширдилар.

Ходимлар ўзларига бириктирилган хизмат итларини жанговар вазибаларга тайёрлаш ва ушбу вазибаларни бажариш билан боғлиқ амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Мазкур ўқув машғулоти келгусида ходимларнинг хизмат фаолияти самарадорлигининг хошида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.



### ЭҲТИЁТСИЗЛИК ВА БЕПАРВОЛИК ТУФАЙЛИ

Юртимизда коронавирус пандемияси сабабли карантин тартиби жорий этилганлигидан барчамизнинг хабаримиз бор. Ушбу бало дунё миқёсида инсониятга жиддий хавф солаётганини кўриб, билиб турибмиз. Афсуски, шунга қарамай, ҳамюртларимиз орасида ҳали-ҳануз карантин тартиб-қоидаларига бепарволик билан муносабатда бўлаётганлар учраб турибди.



Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари жойларда тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, Беруний туманида ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорликда рейд ташкил қилинди.

Рейд чоғида баъзи фуқароларнинг ўзбошимчалик билан тиббий ниқобсиз ва бемақсад юрганлари аниқланди. Ҳарбий хизматчилар ниқобни қўлига ушлаб ёки юзини тўлиқ беркитмай юрган бир қатор фуқароларни огоҳлантирди. Тиббий ниқобсиз ва бемақсад юрган фуқаролар эса тегишли тартибда жаримага тортилди.

Маълумки, Юртбошимизнинг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Курулли Кучлари таркибида контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибида ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига, шунингдек, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташда ҳалок бўлган, ярадорлик, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига давлат тасарруфидаги олий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга кириши учун тавсияномалар бериш тартиби жорий қилинган эди.

### ТАВСИЯНОМА ВА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ



Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Марказий девони ва ҳудудий бўлиналарида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига давлатга қарашли олий таълим муассасаларига беш фоизли квота доирасида ўқишга кириши учун тавсияномалар тантанали равишда топширилмоқда. Яқинда пойтахтимиздаги Адблар хиёбонида Ҳарбий-техник институти ҳарбий хизматчилари ва уларнинг фарзандларига Миллий гвардия Марказий

аппарати офицерлари ва институт бошлиғи томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарорига кўра мазкур олий таълим муассасасида курсантларга сабоқ берувчи ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг икки нафарига профессор, етти нафарига доцент илмий унвони ҳамда

бир нафар ҳарбий хизматчига юридик фанлар бўйича фақат доктори илмий даражаси дипломлари тантанали равишда топширилди.

Тадбир якунида барча тавсиянома, илмий унвон ва даражаларга лойиқ деб топилганлар буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳайкали пойи-сантларга сабоқ берувчи ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг икки нафарига профессор, етти нафарига доцент илмий унвони ҳамда

### ЮКСАК МАЪНАВИЯТ МАНБАИ

Инсон зақосию ақлини чарқлайдиган восита китобдир. Илмнинг чексиз уммонида сайр қилиш, мутолаа завқидан баҳра олиб яшашнинг ўзи бир бахт. Китоб инсоният томонидан яратилган энг улуг кашфиёт, энг буюк иштирок эканлиги боис турфа ёшдаги кишилар томонидан севиб мутолаа қилинади. Айниқса, бугунги кунда миллий адабиётимизда яратилган бебаҳо бадий асарларни ўқиш орқали асрий аъноаларимизни сақлаган ҳолда, маънавиятимиз ва маданиятимиз ривожига ҳисса қўиши ҳар бир авлоднинг бурчидир.

Миллий гвардиянинг Хоразм вилояти бўйича бошқармаси раҳбариятининг ташаббуси билан бир гуруҳ ходимлар Маҳмуд Замаҳшарий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказига ташриф буюрдилар. Дастлаб, кутубхоналараро абонемент сектори мудири Ш. Содиқо-

ва ҳарбийларга кутубхона тарихи ва бугунги кундаги фаолияти, дурдона асарлар ҳамда унинг муаллифлари хусусида батафсил маълумот бериб ўтди.

Айниқса, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутолаа заллари билан бир қаторда, электрон ўқув залининг мавжудлиги ҳар қандай китобхонни қувонтириши табиий ҳол, албатта. Ўзбек

ҳамда жаҳон адабиётининг бебаҳо жавахирларини ўз бағрига жо қилган ушбу зиё маскани билан яқиндан танишган соҳа ходимлари китоб инсоннинг маънавий оламини юксалтириб, ҳаётини чароғон этиши, интеллектуал салоҳияти ва тафаккурини юксалтириб, Ватанга муҳаббат ва садодат руҳида тарбиялашини теран ҳис этишди.

Бутун дунё тан олган буюк ва фозил алломаларнинг авлоди эканлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мутолаа завқи ҳамда китобхонлик саодати ҳеч биримизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Саҳифа материалларини лейтенант Нозима МАҲМУДОВА ва оддий аскар Нафосат ЗАФАРОВА тайёрлади.

ЖАРАЁН

## СИРДАРЁ: ЎЗАНИГА ҚАЙТАЁТГАН ҲАЁТ

«Сардоба» сув омбори дамбасининг ўпирилиши натижасида юзага келган сув тошқини айрим масалаларга оид тасаввур ва қарашларимизни ўзгартириб юборди, десак, нотўғри бўлмайди. Жумладан, инсон табиий ва техноген тусдаги офатлар қаршисида ҳамон ожизлигига, зудлик билан зарурий чоралар кўрилса, хатарни сезиларли даражада камайтириш мумкинлигига амин бўлди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жорий йилнинг 1 май куни тонгда ички ишлар органлари ходимлари аҳолини офат ҳақида ўз вақтида огоҳлантирмаганида, фуқароларни хавфсиз ҳудудга кўчириш тизимли тартибда амалга оширилмаганида, қутқарув тадбирлари самарали ташкил этилмаганида фалокат оқибатлари кўлами беқиёс даражада бўлиши мумкин эди.

Мамнуният ила таъкидлаш жоизки, халқимиз сув бошидан зарар кўрганларга кўмак кўрсатиш орқали яна бир бор ҳам жиҳатлигини, меҳр-оқибатини намойён этди. Табиийки, ички ишлар органлари ходимлари ҳам саховат тadbирларида фаол қатнашди. Чунончи,

сақлаш ва эгаларига қайтариш чораларини кўришяпти.

Фуқароларнинг уйларини тиклаш ва зарарни қоплашга киришилиши баробарида соҳа вакиллари зиммасидаги масъулият янада ортди. Жумладан, юзлаб қурувчилар, ўнлаб махсус техникалар ишлаётган аҳоли



пунктларида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш зарурати кучайди.

– Жиззах вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБдан 15 нафар ходим Мирзаобод туманининг Ҳақиқат маҳалласига хизматга жалб қилинганмииз, – дейди сафдор Акмал Эшонқулов. – Туну кун автомобилларда ва пиёда патруллик қиляпмиз. Ҳудуд аҳолисининг мол-мулкани асраш, жамоат тартибини сақлаш билан бирга, турар жойларни тиклаш учун келтирилган қурилиш маҳсулотларининг талон-тороҳ этилишига йўл қўймаслик чораларини кўряпмиз. Шу билан бирга, маҳалла аҳолиси ва қурувчилар ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича профилактик тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Маълумот ўрнида айтиш керак, Мирзаобод туманининг Ҳақиқат

айвон ва омборхона каби қўшимча иншоотлар барпо этилади. Худди шундай, уйлар ичимлик суви, электр тармоқларига уланади. Қисқаси, аҳоли кулай шароитларга эга бўлади.

Жиззах вилоятидан реконструкцияга жалб қилинган 19 та қурилиш корхонаси жамоалари таъмирлашни икки ойда яқунлашни режалаштиришган. Айни шу ишлар Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларининг офатдан зарар кўрган бошқа аҳоли пунктларида ҳам амалга оширилмоқда. Табиийки, бу ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамляпти.

– Офатдан азият чекканларнинг барчаси бирдек халқимизнинг эътиборини, ғамхўрлигини ҳис этди, – дейди Мирзаобод тумани Ҳақиқат маҳалласида яшовчи 63 ёшли Синдор Шодмонқулов. – Озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа керакли воситалар билан мунтазам таъминланяпмиз. Бугун қурувчилар, ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбийлар бизга ёрдамга келишган. Қилинаётган ишларни кузатиб, уйларимиз кўркам ва ҳамма шароитларга эга бўлишини сезяпмиз. Ҳар бир оилага телевизор, музлаткич, газ плитаси, кондиционер, чангюттич, кир ювиш машинаси ҳамда 40 миллион сўмдан пул берилди. Бунинг учун халқимиздан, Президентимиздан миннатдормиз.


Отахоннинг айтганича бор. Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларининг қайси ҳудудида бўлмайлик, ўнлаб техникалар, юзлаб қурувчиларнинг жонбозлик кўрсатганига гувоҳ бўлдик. Электр нимстанциялари ишга туширилиб, ичимлик суви қувурлари янгиланмоқда, кўприклар тикланаётир. Ўнлаб катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналарига асос солинди, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари бунёд қилиняпти. Шунингдек, минглаб гектар пахта ва ғалла майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида каналлар, ирригация тармоқлари тозаланмоқда.

Хуллас, офатдан зарар кўрган ҳудудларда ҳаёт яна ўзанига қайтмоқда. Бунда ички ишлар органлари ходимлари Сирдарёда кечаётган ўзгаришларнинг фаол, фидойи иштирокчиларига айланишган.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,  
«Postda» мухбири.



хатар ҳудудидан кўчирилган 300 дан ортиқ сирдарёликлар жаззахлик ички ишлар органлари ходимлари уйдан қўним топди. Айни вақтда республикамизнинг қарийб барча ҳудудларидаги ички ишлар органларининг қатор соҳавий хизматлари вакиллари офатдан зарар кўрган аҳоли пунктларига хизматга жалб этилган. Хусусан, ЙПХ ходимлари сув омборининг бузилган қисмини тиклаш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларида қатнашаётган юзлаб юк машиналарини кузатиб бориш орқали хавфсиз ҳаракатни таъминламоқдалар. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шунингдек, патруль-пост хизмати вакиллари миллий гвардия ходимлари билан биргаликда зарар кўрган ҳудудлардаги мол-мулкларни қўриқлаб, тарқаб кетган минглаб чорва молларини қидириб топиш,



маҳалласидаги тошқиндан зарар кўрган уйларни таъмирлаш ишлари жаззахлик қурувчилар томонидан амалга ошириляпти. Бунинг учун 500 нафардан ошқ қурувчи ҳамда қарийб 60 та махсус техника воситаларининг фаолияти таъминланган.

